

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

2001 йил 1 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишнинг мақсадига Президент, Миллий хавфсизлик Кенгаши раиси Ислам Каримов бошқарилади. Йиғилишда Афғонистонда аксилтеррор операцияси ўтказишни муносабати билан юзга келган вазият, Ўзбекистон Республикаси, унинг давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида Афғонистонда юзга келган ҳарбий-сиёсий вазият Марказий Осиё минтақаси ва умуман, бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Халқаро террорчилик ташкилотлари, уларнинг ортда турган қудратли экстремистик марказлар мазкур мамлакат ҳудудда кўпурчилик-террорчилик гуруҳлари тайёрловчи лагер ва базалар ташкил этган. Диний экстремизм ва ақидапарастилик мафқурасини тарқатиш, дунёнинг турли жойларида кўпурчилик-террорчилик фаолиятини амалга ошириш, наркотикларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдо-сотиғи кўламини кенгайтириш плащадларини вужудга келтириш.

Террорчиларнинг асосий мақсади минтақа халқларини улар танлаган демократик дунёвий давлат қуриш йўлидан олдириш ва у ерда экстремизм, ақидапарастилик, диний мурсоасизлик мафқураси асосланган тузум ўрнатилди.

Ўзбекистон ҳақон ҳам-жамиятининг террор ва диний экстремизм хавфининг ўсиб бораётгани тўғрисида кўп марта оғоҳлантирган эди. 1999 йилда Ўзбекистон Истамбулда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг саммитида ҳам-жамиятини билдириди.

Йиғилишда давлат органлари ва тегишли тузилмаларнинг мақсадларини баён қилди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ХХI аср Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ўқувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг мамлакатимиз ўқувчилари ва мураббийларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

● Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

● Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиши бўлди.

● Пахта ҳосилини ёғин-сонли кўнларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишни қўлайтириш мақсадида тузилган Республика штаби аъзолари иштирокидаги йиғилишда мамлакатимизда пахта масуумининг бориши таҳлил қилинди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви ва раёсатининг йиғилишида Президентимизнинг Вазирилари Мақамасининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари бағишланган мажлисидаги маърузасида ўртага қўйилган вазифаларнинг ижросига бағишланган масала муҳокама этилди.

● Давлат матбуот кўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Қарамонлари» деб номланган янги китобни кўп миң нусхада чоп этди. Китоб Давлат матбуот кўмитаси ИБН Сино, Фағур Фолон номидида, «Ўқитувчи», «Ёзувчи», Чўлпон нашриётлари билан ҳамкорликда нашлаб тайёрланди.

● Андижон вилояти пахтакорлари мамлакатга 355 миң 763 тонна саноат хом ашёси етказиб бериб, зимиғага олинган қўшимча маҳбуриятни ҳам бажардилар.

● Марказий банк Матбуот хизматининг хабар беришича, шў йилнинг 1 октябрдан бошлаб, ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохбчаларида узоқ хорж давлатлариға кетаётган республикамиз фуқаролариға нақд валюта сотиш микдори оширилди. Эндиликда улар ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохбчаларидан 800 АҚШ доллари ёки унга тенг микдорда немис маркаси, япон иенаси, француз франки, инглиз фунт стерлингини сотиб олишлари мумкин.

● Урганча «Asia textile LTD» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Қўшма лойиҳанингу умумий қиймати 280 миң АҚШ доллариға тенг.

● Ўқувчилар тўғрисида «Шариф Жума» фермер ҳўжалиги бошлиғи Шариф Бекмуродов сўзни қайта ишлайдиган кичик завод қурди. Бу корхонани қуриш учун унинг туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлиmidан олган 15 миллион сўм кредити қўл келди. Тадбиркор яқин кўнда музаймоқ чехини ҳам ишга туширмоқчи.

● Тошкентдаги «Уэйлмашсервис» заводининг кўргазмалар майдонинда йўл қурилишида ишлатиладиган техника воситаларининг халқаро кўргазмаси ташкил этилди.

● «Термизгўшт» хиссадорлик жамиятида бир сменада 1,8 тонна қолбаса ва сосиска ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди.

● Тошкентдаги Ўзбек-Япон марказида «Япония адабиёти ва шеърияти ўзбек адаблари нигоҳида» мавзуда семинар ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикасида богча болалари ўртасида «Солғомжон — полвонжон» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Ўзбекистоннинг Хиндистондаги элчихонаси мамлакат мустақиллигининг 10 йиллиғига бағишланган қатор тадбирлар ўтказди. Ушбу тадбирлар доирасида Ўзбекистон элчихонаси ташаббуси билан Хиндистон миллий алкоқлар кенгаши хомийлигида Сурхондарё вилоятининг «Роҳат» фольклор-этнографик гуруҳи Хиндистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари рақс ва мусиқа фестивалида иштирок этиди.

● Россия Федерацияси Президенти В.Путин Бельгияға таширф билан борди. Унинг мамлакат Бош вазири Г.Верхофстадт, мамлакат қироли Альберт II ва амалий иш доиралари билан учрашуви пайтида икки томонлама муносабат масалалари муҳокама қилинди. В.Путин Бугун Россия - Европа Иттифоқи саммитида ҳам иштирок этади ва НАТО Бош қотиби Ж.Робертсон билан учрашади.

● Душанбеда МДХ мамлакатлари махсус хизматлар раҳбарларининг бўлиб ўтган кенгашида нархотқисмас ва терроризмға қарши биргаликда курашиш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари АҚШға халқаро экстремизм билан курашдаги мадд инсонпарварлик ва ахборот хижатини ўзида акс эттиради, деган фикрга келдилар.

● Хозирги пайтда Римда қувинда бўлган Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ва Шимолий Иттифок вакиллари толибларға муқобил тарздаги Афғонистон ҳукумати тузиш тўғрисида келишиб олдилар.

● Кеча Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги 56-сессияси очилди.

● Бугун Козогистон Президенти Н.Назарбаев Германияға таширфи ниҳоясига етказди. Бу ерда у мамлакат раҳбарияти билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истикболларини муҳокама қилди.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Афғонистондаги қочқорларға хайрия ёрдами уоштириш лозимлигини айтиб, дунё жамоатчилигини бундай ёрдамни уоштиришда ҳамкорликка, ҳамжихатликка чақирди.

● Бугун Грузия Президенти Э.Шеварднадзеининг АҚШға таширфи бошланади. У Вашингтонда Президент Ж.Буш билан учрашади, АҚШ Давлат қотиби К.Пауэлл билан музокаралар олиб боради.

● Туркия парламенти ўлим жазосидан воз кечиш учун овоз берди. Бу қарор Туркиянинг яқин йилларда Европа Иттифоқиға кириш ҳаракати билан боғлиқ. Шунга қарамасдан, Туркияда ўлим жазоси ҳарбий вақтда ва террорчилик ҳаракати учун қўлланилиши мумкин.

● Бугун Россия Федерацияси Давлат думасининг унинг спикери Г.Селезнев бошлиғидаги делегацияси Киргизистонға келди. Делегация бу ерда парламентлараро комиссия мажлисида иштирок этади.

● Бугун Германия Федератив Республикасининг миллий байрами — Германия бирдәмлиги кўни нишонланмоқда.

● Буюк Британия қироличиси Елизавета II га биринчи бор қўл телефони соғва қилишди. У қироличанингу ўғли шаҳзода Эндриу томонидан берилган. Айтишларига қараганда, қўл телефони қироличанга ниҳоятда ёқиб қолган.

● Россияда чиқадиган «Ведомости» газетасининг ёзишича, «Мил» компанияси Яман давлатиға 15 та «Мил-29» қирувчи самолётини етказиб бериш бўйича шартнома имзолади. Шартнома баҳоси 300 миллион АҚШ долларидан зиёдрок маблағни ташкил этади.

● Германия жанубида юз берган икки йўловчи поезднинг тўқнашуви тўғрисида 100 дан ортиқ киши жароҳатланган. Хозир 20 нафар кишининг аҳоли тўла оғир даражада.

● Тизасидан олган жароҳати тўғрисида 17 ой яшил майдонға туша олмаган Рональдо УЕФА Кубоғи ўйинларида иштирок этиб ўз имкониятларини тиклаб олганлигини намоён этди. Бразилия терма жамоаси мураббийси уни 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш учрашувида қатнаштирашга тақлиф этди.

КўРГАЗМАЛАР «Санъат — бунёдкорлик ва инсонпарварлик тимсоли»

КЕЧА

Ўзбекистон Бадий академиясида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиғига бағишланган тадбирлар тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Вазирилари Мақамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Кўргазмада ўзбекистонлик рангтаъсир усталарининг ўттизга яқин, шунингдек, Туркия, Германия, Япония, Миср, АҚШ, Жанубий Корея сингари ўн бешта яқин давлатда рассомликнинг турли йўналишида ижод қилаётган таниқли мўйқалам соҳибларининг икки юздан зиёд асари намойиш этилаётир.

Бу улкан тадбир доирасида хорижлик мутахассислар, танқидчилар, рассомлар иштирокида халқаро илмий-ижодий конференция ҳам уюштирилди.

Кўргазма арасида ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу тадбирға «Санъат — бунёдкорлик ва инсонпарварлик тимсоли» шиори бежиз берилмаган. Зеро, истиқлолнинг 10 йиллигига давомнда Ўзбекистон маданияти ва санъати мисли қўрилмаган даражада юксалди. Халқаро санъат доираларида пайдо бўлган янги йўналиш ва услублар билан бойиб, ўзининг эркин ижодий қирраларини намоийиш этмоқда. Мана шундай тарихий эврилиш жараёнида Тошкент Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Халқаро бадий кўргазма — Биеннале кўнларини ўтказиш имконига эга бўлди.

Кўргазма бир ҳафта давом этади.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

ҚиСҚА сатрларда

● **РЕСПУБЛИКА** Байналминал маданият марказида Фан ва техника Давлат кўмитаси ҳамда Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликларида фан-техниканингу 25 соҳаси бўйича Хитойда малака ошириб пойтахтга қайтган юртдошларимиз иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

● **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан Осиё тараққийёт банки шаҳримиздаги ўрта махсус касб-хўнар таълим марказини энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлаш мақсадида 700 АҚШ доллари микдоринда маблағ ажратилиши маълум қилди.

● **ШУНИНГДЕК** Ҳамза туманидаги 156-мактабда, Бектемир туманидаги 292-мактабда таҳсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ҳам оналар ва болалар йили муносабати билан мутасаддилар саховати тўғрисида янги ўқув дарсликлари билан таъминланди.

● **ОРОЛИ** асраш жамғармасининг «Жаф» агентлиги Ўзбекистон Халқ таълими вазири билан ҳамкорликда ўтган йили мамлакатимиздаги мактаб ўқувчилари ўртасида сувни, табиатни асраш ҳақида ёзилмаж иншо танлови эълон қилганди. Республика таълим марказида ташкилотчилар иштирокида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** тумани ҳокимлигида тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари ва корхона-ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари ҳамда бу борада келгусида бақарилиши лозим бўлган вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

● **ЯҚКАСАРОЙ** тумани ҳокимлигида йиғилган маҳаллалар оқсоқоллари, ширкат ҳўжаликлари раҳбарлари туман аҳолисининг коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаш юзасидан пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш ҳамда кўп қаватли уйлардаги иситиш тизимларини қишқи мавсумға шай қилиш ҳақида фикрлашиб олишди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 17-касб-хўнар мактабида ўқувчилар иштирокида Шайхонтоҳур туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Иқтисодий ислохотлар — жамият пойдевори» мавзуда ўтказилган давра суҳбати оналар ва болалар йилига бағишланди.

● **ЮНСУБОД** туманидаги «Чинор» маҳалласида маҳалла фуқаролари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати «Ешлар тарбиясининг долзарб масалалари» деб номланди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 2-автокорхонада Ҳамза туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан оналар ва болалар йилига бағишланган «Гийёвандлик — аср вабоси» мавзуда бўлиб ўтган тадбирда ёшларни зарарли иллатлардан асраш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди. Шунингдек, Яқкасарой туманидаги Республика касб-хўнар коллежда талабалар иштирокида ўтадиган тадбир ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.

● **МИРБОД** туманидаги «Тошкент» универмағида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан оналар ва болалар йилига бағишланган «Ешлар тарбиясининг муҳим омили» мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги телефон алоқа станциясида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан оналар ва болалар йилига бағишланган ўтказилган анжуман «Иқтисодий ислохотлар — жамият пойдевори» деб номланди. Тошкент Давлат техника университетига Собир Раҳимов туманидаги мақабаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида ўтадиган тадбир миллий истиқлол ғоясини ёшларға чуқур сингирдиш масаласига бағишланди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** «Ўйин» автосервис бизнесида Чилонзор туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Иқтисодий ислохотлар — жамият пойдевори» мавзуда ўтказилган тадбир оналар ва болалар йилига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 120-мактабда ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 278-мактабда ўқувчилар иштирокида спортнинг волейбол, баскетбол, кумга сакраш ва бошқа турлари бўйича «Умид ниҳоллари» деб номланган айнавий турнирининг биринчи босқич мусобақалари ўтказилди.

Келажакка ишонч билан

Кўни кеча пойтахтимиздаги Темир-йўллар маданият саройида «Сувос» трести тўғрисида бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Маълумки, бундай саналар нафақат байрамлари ўтказиш ва табрикларни қабул қилишдан, балки шу билан бирга бажарилган ишларға сархисоб чиқаришдан ҳам иборатдир. Бинобарин, «Сувос» трестини ўз тарихи мобайнида бажарган ишларини чиндан ҳам салмоклидир. Ахир ҳаётимизни об-ҳаётсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳар биримиз ушбу трест жамоасининг хизматидан ҳар кўни баҳраманд бўлишимиз. Ушбу тадбирға келган кишилариинг ҳаммаси ана шу ҳақда тўлиб-тошиб гапирдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев ушбу тадбирини очар экан, «Сувос» трести ходимлари шаъниға самимий дил сўзларини изхор этиб, ушбу жамоаға бундан кейинги ишларида ҳам омад ва зафарлар тилади. Шундан кейин шаъниға ушбу тадбирға тақлиф этилган кўпдан кўн меҳмонлар — Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги турли фирма ва корхоналарнинг вакиллари кўтарилдилар. Бинобарин, уларнинг ҳар бири «Сувос» трести билан анчадан бери самарали ҳамкорлик қилиб келмашди.

Бундай тадбирлар соғва-саломларсиз ва табрикларсиз ўтмайди, албатта. Шу кўни бундай соғва-саломлар ҳам сероб бўлди. Трестнинг В.Жданов, Н.Кодоров, О.Қосимов, Х.Маҳмудов, Г.Нам, О.Нўрмонов сингари кўпбал кекса ходимлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва касба уюшмалари

Марказий Кўмитасининг фахрий ёрликлари билан совғалари билан тақдирландилар. Уларнинг шаъниға ҳам кўпбал дил сўзлари изхор этилди.

— Бугун ушбу тадбир ўтказилаётган залда бирорта бўш ўрин қолмаганлиги биларни севинтиради, — дейди «Сувос» трестининг бош муҳандиси Зокир Солиҳжўаев. — Демак, бизнинг ишларини ҳамшахарларимизға керек экан. Шу боисдан бугун биз нафақат қилинган юмушларини сархисоб этмокдамыз, балки келгуси режаларини ҳам белгиламокдамыз. Барча саъй ҳаракатларимиз бундан буюн ҳам ҳамшахарларимиз сув муаммосини бошдан кечирмасинлар ва биз ҳар доим «Сизлар учун ишлаяпмыз» деган сўзларни айтмайлик.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: ўтказилган тадбирдан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



КАСАБА УОШМАЛАРИ КЕНГАШИ СТИПЕНДИАТЛАРИ

Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши томонидан иқтидорли талаба ёшларға муҳим эътибор қаратилмоқда.

Шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида аяла бақаларға ўқийётган ва касба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида 1998-1999 ўқув йилидан эътиборан пойтахт касба уюшмалари Кенгашининг 10 та стипендияси таъсис этилган эди. Яқинда Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгашида ушбу стипендияға тавсия этилган 10 та талаба ва ўқувчиларға «Тошкент шаҳар касба уюшмалари» кенгашининг стипендияти гувоҳномалари топширилди.

Кенгаш стипендияси талаба ва ўқувчилар учун ҳар ойға ўқув юрти томонидан белгиланган стипендиядан 50 фоиз ортиқ микдорда белгиланган.

Йиғилишда сўзға чиққан I-Тошкент педагогика билим юртининг толиби О.Абдурахмонов, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг толиби А.Қаюмов ва П.Ф. Боронский номли Тошкент шаҳар тиббиёт билим юртининг талабаси Н.Тулаганова ва бошқалар ўз миннатдорчиликларини билдириб, келгусида яна ҳам пухта билим эгаллаб, Ватанимиз равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшишға ваъда бердилар.

Дилором ИКРОМОВА

ТАДБИРЛАР Муסיқий мулоқот давраси

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат бўлими ташаббуси билан «Ватан саждогоҳи каби муқаддас» мавзуда Чилонзор туманидаги «Катта Козиробод» маҳалла аҳли ҳамда 138-мактаб жамоаси ва юқори синф ўқувчилари билан муסיқий мулоқот давраси бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази мутахассиси Алишер Мукаррамовнинг «Ватан саждогоҳи каби муқаддас» мавзудаги маърузаси тингланди. Мулоқот давомида маҳалла оқсоқоли М.Жўрабев, маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси Д.Топилова, 138-мактаб директорининг ўринбосари Ш.Иноятова ва бошқалар сўзға чиқиб, буюк алломаларимиз ҳамда муқтарам Юртбошимизнинг Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги фикрларини айтиб, ҳар бир инсоннинг юрағида Ватаниға бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, садоқатли бўлишға даъват қилдилар. Тадбир давомида дилрабо қўшиқлар, гузал рақслар, яқка курашчиларнинг кўргазмалари чиқилди тадбир иштирокчилариға завқ бахш этди.

Ноҳира БАХРОМОВА

КЕЧА мамлакат X миллий чемпионатининг 28-тур учрашувлари

Ўтказилди ва ушбу турда пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар навбатдаги ғалабаларға эришилди.

Совринли ўринлардан бири даъвогарлик қилаётган «Пахтакор» жамоаси футболчилари ўтган йилги чемпион — «Дўстлик»қа қарши сафарда тўп суришди ва 2:1 ҳисобида мезбонлардан устун келишди.

Уз майдонда «Сурхон»ни қабул қилган тракторчиларға ҳам омад кулиб боқди. Майдон эгаларининг тўла устулигида кечган беллашуви 3:0 ҳисобида тракторчилар ғалабаси билан якунланди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар кайд этилди. «Зарафшон» — «Семурғ» 3:1, «Турон» — «Навбахор» 2:1, «Кичик» — «Металлурғ» 0:0, «Самарқанд» — «Динамо» — «Бухоро» 2:0, «Сўғдиёна» — «Қизилқум» 1:0, «Андижон» — «Нефтчи» 0:1.

БУГУН
ушбу турнирнинг «Академия» — «Насаф» учрашуви бўлиб ўтади.

Навбатдаги 29-тур учрашувлари 9 октябрда ўтказилди.

Ақбар ЙўЛДОШЕВ



Абдулла — соврин соҳиби

Кўни кеча Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида якуланган Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун V халқаро мусобақалар кўнлинидан зиеда муваффақиятли ва шиддатли беллашувларға бой қолди ўтди. Унда Республикаимизнинг ҳамма вилоятлари, Тошкент шаҳри полвонлари билан бир қаторда Бразилия, Арманистон, Козогистон, Туркменистон ва Тожикистондан таширф буюрган 200 дан ортиқ курашчи олти та вазн-тоифасида иштирок этиди.

Мусобақаларининг биринчи кўни «Алпомиш» стадионида 66, 81, 90 ва 100 килограммгача полвонлар ғалаба учун курашилди. Кескин ва муро-сасиз баҳслардан сўнг ўз вазн-тоифаларида Сўхроб Дўстов, ушбу турнирнинг уч қарра ғолиби Исхак Аҳмедов, икки қарра жаҳон чемпиони Баҳром Авазов ҳамда Осиё чемпиони Шўхрат Қўжаевлар хурмат шоҳусупасининг энг юқори поғоналаридан жой олишди.

Халқаро турнирнинг якунловчи кичини кўни 73 килограммгача ва мутлак вазндаги полвонлар гиламға тушилди.

Мутлак вазндаги полвонлар баҳси айниқса, ишқубоз ва мутахассисларда катта қизиқчи уйғотди. Финалға ўтказилган барча учрашуларда соф ғалабаларға эришган, Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Абдулла Тангриев ва вазни энгилроқ бўлса-да жуда «чайир» ҳамда моҳир Баҳром Авазовлар финалға йўлланма олишди. 20 ўшли, истиқболи порлоқ Абдулла Тангриев ҳалол усулда рақибини энгиб турнирнинг мутлак ғолиби бўлди. Абдуллага олтин нишон билан бирға Президент соврини — «Нексия» автомашинасининг қалити топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

